



МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА МЕҲНАТ ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ризаева Хусния Убаевна

*Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таълим педагогика ва
психологиякафедра ўқитувчиси п.ф.н. дотсент в.б*

Искандаров Нодирбек Равшанбекович

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаси

Рахимберганова Муножамат Музаффар қизи

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети магистранти

Аннотация: Ушбу мақолада мактабгача таълим ёшидаги болаларда меҳнат тарбиясини шакллантириш ҳақида атрофлича фикр юритилган бўлиб, замонавий технологиялар асосида болаларда меҳнат тарбиясини шакллантириш ҳақида холоса ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Мактабгача таълим, тарбия, меҳнат, ривожланиш, психология, психолог, тарбиячи, мақсад, мактабгача таълим гурухлари.

ФОРМИРОВАНИЕ ТРУДОВОГО ВОСПИТАНИЯ У ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА

Аннотация: В данной статье подробно рассматривается формирование трудового воспитания детей дошкольного возраста, а также даются выводы и рекомендации по формированию трудового воспитания детей на основе современных технологий.

Ключевые слова: Дошкольное образование, воспитание, труд, развитие, психология, психолог, воспитатель, цель, дошкольные группы.

Сўнги йиллар мобайнида педагогика ва бошқа фанларда ижтимоийлашув ҳамда таълим-тарбия тушунчаларининг ўзаро муносабати кенг муҳокама қилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳам мактабгача таълим тизимига жуда ката эътибор қаратмоқда. Жумладан мактабгача таълим тизимида доир қарорлар ва уларнинг ижроси унинг натижасидир. Бутунги кунда республикамиздаги жами мактабгача таълим ташкилотларнинг 80 фойизида таъмиrlаш, реконструкция ишлари олиб борилди. Шу билан бирга ташкилотларни жихозлаш, таълим –тарбия жараёнларига эътибор янада кучайди.



Ўзбекистон Республикаси илк ва мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг ривожланишига қўйилган давлат талаблари, мактабгача таълим ташкилотлари учун “Илк қадам” давлат ўқув дастури мактабгача таълим ташкилотида болаларнинг меҳнат тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиди ва албатта бу борада ижобий ишлар олиб борилмоқда.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларда меҳнат тарбиясини шакллантириш. Бу вазифани қандай амалга ошириш лозим? Мактабгача таълим ташкилотида болаларни меҳнат тарбиясига ўргатишнинг мақсади ва вазифалари ҳамда унинг турларини очиб чиқсан. Меҳнат фаолиятининг мақсади: ақлий хусусиятларини ривожлантириш, жисмоний характларни фаоллаштириш, мустақилликка ва жавобгарликка ўргатиш, катталар меҳнатини қадрлашга ҳамда меҳнат қилишга ундаш. Меҳнат фаолиятининг вазифаси: катталар меҳнатига қизиқиш уйғотади ва улар билан мулоқотга киришга ёрдам беради, меҳнат қилишга ўргатади, меҳнат қилишга одатлантиради, жавобгарликни оширади, қилинган ишларни асрараш ва авайлашга ўргатади, меҳнат қилиш жараёнида меҳнатни тўғри ташкил этишни ўргатади, дўстларининг қилган меҳнатларини авайлашга ва бегоналар томонидан зарар етказилаётган вақтда уларни тартибга чақиришга ўргатади.

Мактабгача таълим ташкилотларида меҳнат тарбиясининг қўйидаги турлари ўргатилади. Улар қўйидагилардир:





Меҳнат тарбиясининг ҳар бир турида болалар томонидан бажарилиши керак бўлган вазифалар эса қўйдагилар:

ўз-ўзига хизмат- кийиниш, ечиниш, кийимларини ўз жойига илиш, ўз шкафида тартиб ўрнатиш, юваниш, артаниш, иш жойини йиғишириш, иш жойини тайёрлаш;

Маиший меҳнат (тартиб ва озодалик)- ўйин ва фаолият бурчакларини тартибга келтириш, ўйинчоқларни йиғишириш, ўз ўрнига қўйиш, уларни ювишда ёрдам бериш;

Табиатдаги меҳнат (ўсимликлар ва хайвонот оламини асраб, авайлаш) қушлар ва ҳайвонлар учун махсус уйчалар ясашда иштирок этиш, ўсимлик ва гулларни ўстириш, ҳайvon вакушларни озиқлантириш, табиат бурчагида тозалаш ишларига ёрдам бериш, майдончадаги ҳосилларни йиғиш, табиат бурчагидаги жониворлар учун озуқа тайёрлаш, ўйин майдончасидаги ер участкасида меҳнат қилиш яъни ўсимлик ва дараҳтларни суғориш, тагларини юмшатиш;

Навбатчилик (тарбиячи ва энагага ёрдамчи)- навбатчилик боллар меҳнатини ташкил этишнинг яна бир тури бўлиб, у жамоа учун хизмат қилишдир, яъни машғулотлар вақтида жихозларни тарқатишда ёрдам бериш, табиат бурчагидаги навбатчилик, овқатланиш вақтида идишларни тарқатиш(сервировка)да ёрдам бериш.

Юқорида ҳар бир меҳнат тури ҳақида тўхталиб ўтдик. Улар болаларнинг ёшларига қараб мураккаблашиб боради. Жумладан:

Ўз -ўзига хизмат кўрсатиш. Илк ёш ва кичик гурухларда- болаларнинг бармоқ мушаклари яхши ривожланмаганлиги сабабли уларда бу меҳнат турини бажармаслик холатлари кўпроқ кузатилади. Бу холатни кузатган тарбиячи болада меҳнатнинг ўз-ўзига хизмат турини ўргатишга тартибли бўлишга одатлантиришни тарбиялайди. Тарбиячидан бу вақтда ўта чидамлилик, мақсадга интилувчанлик, меҳрибонлик, болани қўллаб-кувватлаш талаб этилади. Ушбу меҳнат турига раҳбарлик қилишда ҳар бир бола билан алоҳида ишланади. Боланинг ижобий, эмотсионал холатга келтириш учун турли услубдан фойдаланилади. Кийим-кечакларнинг қисмларини айтиш орқали болада луғат бойлигини оширади. Болаларда еса унга бўлган еътибор учун катталарга нисбатан меҳр ва ишонч уйғонади.

Ўрта гурухларда- бу ёшдаги болалар бир мунча мустақил бўлиб қолишган ва бу меҳнат тури уларда мажбурийликка айланиб бўлган. Тарбиявий вазифаларни қийинлашиши ўз-ўзига хизматдан сўнг йиғишириб



қўйиш, тартибга келтириш билан кўринади. Бу ёшда тарбиячи болаларда ўзаро ёрдамни ҳамда ёрдам сўраш тартибларини, ёрдам бергандан кейин хизматлари учун миннатдорчилик билдириш малакаларини тарбиялади.

Катта ва мактабга тайёрлов гурухларида-бу ёшда ўз-ўзига хизматнинг янги қўринишлари намаён бўлади. Яъни: ўз ўрнини йифиш, соchlарини тартибга келтириш, оёқ кийимларини тартибга келтириш бу холатлар билан биргаликда тарбиявий вазифалар янада қийинлашад: яъни болалар тозалик ва тартиблиликни одатга киритишлари, тенгдошлари орасида ўзларини тутиш кабилар.

Тарбиячи аниқ мисоллар билан бошқаларнинг талабларини инобатга олишни тушунтиради, масалан: ечиниш хонасида чеккага ўтиш, кимнидир ўтказиб юбориш, юваниш хонасида навбатчиларни олдин ўтказиб юбориш, сув жўмраклари олдида узоқ вақт турмаслик, ўтиб кетиш учун рухсат сўраш кабилар болаларда атрофдагиларга нисбатан хурмат билан муносабатда бўлишни шакллантиради.

Хўжалик-маишийхизмат.

Илк ёш ва кичик гурухларда: бу ёшдаги болаларда тарбиячи томонидан енг оддий хўжалик маиший меҳнат малакаларини шакллантиради. Жумладан стол тузашда ёрдам бериш, ўйиндан кейин ўйинчоқларни йифиш ва ювишда ёрдамлашиш, майдончадаги дараҳт баргларини йифиш, ўриндиқлардаги қорлани сидириб тушириш ва бошқалар. Бу меҳнат турини якунида тарбиячи томонидан болалар албатта рағбатлантирилиши лозим чунки бу кейинги фаолиятда болага рухан қўмак бўлади. Масалан: “Баракалла Мадинахон！”, “Сени ишингдан жуда хам хурсандман！”, “Шахноза жуда озода ва еътиборли қиз, у хамма ўйинчоқларни жой-жойига тартиб билан қўйиб чиқди！”.

Ўрта гурухларда: бу ёшга келиб болалардаги хўжалик-маиший хизмат бир мунча шаклланган бўлади, улар столни тўлиқ жихозлайдилар, машгулот учун керакли жихозларни тайёрлайдилар, кўғирчоқ кийимларини ювадилар, жавонларни чангдан тозалайдилар, майдончани супурадилар. Тарбиячи болаларнинг фаолликларидан келиб чиқган холда меҳнатга бўлган талабни янада кучайтиради яъни мустақил равшда ишларни бажаришга ундайди.

Катта ва мактабга тайёрлов гурухларида: бу ёшдаги болаларда хўжалик-маиший меҳнат тури янада мазмун жихатдан бойиб боради, тизимлиликка айланади. Кўпхолларда навбатчилик масъулятига айланади. Болалар гурух ва ўйин майдончасида тозаликни сақлашга, кичкинтойларг аўйинчоқларни тўғирлаб бериш ва китобларни тамирлашда ёрдам беришади.



Катта ва мактабга тайёрлов гурухларда хўжалик-маиший хизматни ташкил этишни билиш алоҳида ўрин тутади, яъни керакли жихозни танлаб олиш уни қулай жойлаштириш, иш тугагандан сўнг уларни ўз жойига қўйиш шулар жумласидандир. Мехнат жараёнида болалар тиришқоқлиги, яхши натижага еришишга харакат қилишга, тенгдошларига меҳрибон бўлишга ўргатади.

Табиатдаги меҳнат.

Илк ёш ва кичик гурухларда: катталар ёрдами билан амалга оширилади. Улар катталар билан биргалиқда балиқни овқатлантиришади, хона гулларини суғориш, уларнинг баргларини ювиш, пиёз екиш, катта уруғларни сепиш, майдончадаги хосилларни йиғишида ёрдамлашиш, қишлиб қолган қушларни овқатлантириш шулар жумласидандир.

Тарбиячи болалар меҳнатига раҳбарлик қиласар екан ўсимликларни номларини айтиш, уларнинг қисмларини айтиш, меҳнатнинг кетма-кетлигини айтиш орқали бола луғат бойлигини оширади ва уни фаоллаштиради.

Ўрта гурухларда: бу ёшга келиб табиатдаги меҳнат мураккаблашиб боради. Бу ёшда болалар ўсимликларни ўзлари суғорадилар, уларни сувсиз бўлибқолган ҳолатини ўрганадилар, сабзавот уруғини сепиб унинг ўсишига ёрдам берадилар. Тарбиячи ёрдамида ҳайвонларга овқат тайёрлайдилар (табиат бурчагидаги сичқончалар, қуёнчалар, қушлар, балиқлар).

Тарбиячи қайси ҳайвонга қанда овқат бериш ва унинг номи қанда еканлигини болаларга ўргатади. Ҳайвонларга қараш жараёнида уларни кузатишга қўпроқ етибор бердиради. Ҳайвонлар ва ўсимликларга берилган еътибордан сўнг уларнинг Ҳолатларини кузатадилар ва тахлил қиладилар. Болаларга севимли бўлиб қолган табиат бурчагидаги Ҳайвонларга нисбатан меҳр ва еътиборни ўстиради.

Катта гурухларда: катта гурухнинг табиат бурчагига қўйилган ҳайвон ва ўсимликлар парвариши бир мунча мураккаблашади ва гурух майдончасидаги таморқага бошқа турдаги сабзавотлар екилади ва парвариш қилинади. Болалар ўсимликларнинг баргларини шёткалар ёрдамида тозаланади ва ерчопишишлари амалга оширилади.

Мактабга тайёрлов гурухларида: Майдончада ва жонли табиат бурчагида бутун йил давомида болалар меҳнатини ташкилқилиш. Меҳнатни ўсимликлар ва ҳайвонлар ривожланиши ва ўсишини кузатиб бориш билан боғлаш.

Болаларда ҳайвонлар ва ўсимликларни парваришлаш, мустақил равища ҳар куни балиқларни меъёр бўйича боқиши, қушнинг қафасидаги қумни қайта



елаш, сувини алмаштириш, қушлар учун норма бўйича овқат тайёрлаш, ерда яшайдиган ҳайвонларнинг тўшамасини ўзгартириш ҳамда улар учун овқат ва сув тайёрлаш, идиш-товоқларни ювиш ва иш жойини йифиш тириш, ўсимликларни суғориш, барглари ва тувакларининг атрофини артиб чиқиш, уларга сув пуркаш, тагини юмшатиш, гулдонларни ва тагликларни ювиш каби меҳнат қўнималарини тарбиялаш. Болаларни охурчага овқат солишга, сули екишга, ҳайвонларни боқиши учун илдиз мевалар екишга ўргатиш.

Болаларнинг участкадаги меҳнати муҳим тарбиявия аҳмиятга ега. Уларни бутун йил давомида болалар боғчасни территориясидаги ишларда қўлларидан келганча қатнашишга, жўяклар ва гул пушталар олишга, кўп йиллик гулловчи ўсимликлар ўтқазишга, кўчатлар екишга, майда уруғларни сепишга, суғоришга, ўтоқ ва чопик қилишга, ўсимликларни бойлашга ўргатиш, бу ишларнинг аҳамияти хақида болаларга сўзлаб бериш керак.

Қўлмехнати. Қўл меҳнати илк ёш, кичик ва ўрта гурухлардан емас балки катта ва мактабга тайёрлов гурухлардан бошланади.

Катта гурухларда: Қўл меҳнатига қизиқиши, ўз қўллари билан майдачуда нарсалар, ўйинчоқлар, ёдгорликлар, безаклар тайёрлаш, ўйинчоқни тузатиш, китобларни елимлаш, кичкинтолар учун ўйинчоқлар ясаш, хатчўп, саноқ материаллари ясаш, мавзуга мос қўлишлари ясаш истагини шакллантириш.

Табиий, қўшимча материаллардан, қофоз ва картондан сюжетли-ролли ўйинлар учун ясама ўйинчоқлар (байроқчалар, сумкачалар, қалпоқчалар, китоблар, ўйинчоқ мебел, салфеткачалар, рўмолчалар), ота-оналарга, кичкинтоларга совға қилиш учун ёдгорликлар ясашга ўргатиш. Болаларни материалларни тежаб ва оқилона сарфлашга, ўз меҳнати маҳсулини еҳтиёт қилишга ўргатиш. Китоблар, кийим-бош, ўйинчоқлардаги камчиликларни сезишига ва ўз ташаббуси билан кичик “уста”чилик қилишга ўргатиб бориш.

Болаларни машғулотлар учун, мустақил фаолият учун қўлланмалар (кутичалар, игнадонлар, санаш материаллари ва бошқалар) ни тайёрлашда қатнашишга ундаш.

Мактабга тайёрлов гурухларида: Болаларда ўз қўллари билан фойдали нарсалар, ўйинчоқлар ясаш истагини; натижага еришиш учун астойдил интилишни; қийинчиликларни енгиш, ишниораста, яхшилаб бажариш, ёқимли кўринишга ега бўлган буюмлар тайёрлаш кўникмасини шакллантириш, тарбиячи ёрдамида қизларни кашта тикишга ўргатиш, материалларни тежамкорлик билан сарфлаш кўникмасини шакллантириш. Намуна сифатида



расмдан фойдаланиш, баъзи асбобларни, андазани, қайчиларни, нинани, болғани, аррани, тўқишилгагина ишлата билиш кўникмасини шакллантириш. Ўз фаолиятини режалаштириш: ҳаракатлар изчиллигини белгилаб олиш, ўйинчоқни тузатиш, китобларин елимлаш, кичкинтойлар учун ўйинчоқлар ясаш, хатчўп, саноқ материаллари ясаш, мавзуга мос қўл ишлари ясаш, илгагини ишлата билиш кўникмасини шакллантириш. Қўл меҳнати мустақил фаолият учун ажратилган соатларда уюштирилиб, кичкина гурух билан (уларнинг қизиқишлигини ҳисобга олиб) ўтказилади.

Қоғоз ва картон билан ишлаш. Қоғоз ва картоннинг шакли ва сифатини белгилашни билиш текис ёки ғадир-будур, қалин ёки юпқа, расмли ёки сидирға, бу материалларни ўзаро уйғунлаштира олиш. Ўйинчоқлар, ёдгорликлар тайёрлашларда байрамларга кастюмлар ва безаклар деталларини тайёрлашда уларнинг ранглари ва тусларини танлаб олишни билиш. Шу билан бирга уларни буқлаш, елимлаш, чизилган жойидан чамалаб қайчи билан қийиб олишни билиш. Ишни ораста ва чиройли бажариш.

Буюмларнинг тахминий рўйхати: геометриклото, “жуфт расмлар”лотоси, кўғирчоқлар мебели, қутичалар, арча ўйинчоқлари.

Мато ва игна билан ишлаш. Болаларни игнага ип ўтказишга, ип учини туғишга, тугма, илгак тикишга, «йўртма» чок билан буюмлар: уруғлик учун тўрвача, кўғирчоқ учун фартукча, игна қадайдиган ёстиқча (китобча шаклида) тикишга ўргатиш. Илгакча билан халқачаили болишга, кўғирчоқ учун шарфча тўқишига ва шу кабиларга ўргатиш.

Аппликатсия тайёрлаш учун мато парчаларидан фойдаланиш: андаза ва машиначининг бўри ёрдамида мато устига тарх тушириш, формалар қирқиб олиш ва унчалик мураккаб бўлмаган аппликатсиялар тузиш. Гулига ва фактурасига қараб, ўйлаган предметга мослаб матони танлаб олиш (масалан, капалак учун шойи мато, қуёнча тикиш учун пахмоқ ва бошқалар).

Ёғоч билан ишлаш. Тўғри бурчакли ёғоч тўсинчаларни, тахтачаларни (даражтнинг юмшоқ турлари: арча, қарағай, оққайиндан) даст арра ёки ёйсимон аррадан фойдаланиб арралашга; устига қўйиб ўлчаш усулидан ёки ўлчовдан фойдаланиб керакли узунликни ўлчашга; арраланган тахтача чеккаларини қумқоғоз билан силлиқлашга тегишли узунликдаги михларни танлаб деталларни жипс қилиб қоқишига болаларни ўргатиш. Болға, омбур, арра билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш.

Тахминий буюмлар: кўғирчоқ мебели, нарвонча, кўприкча, токчача, панжара, яшик, қушлар овқатланиши учун охурча. Нимфабрикатлар:



чаначалар, арғимchoқлар, пароход ва шу кабилардан фойдаланиш. Маҳсулотларни бўёқлар билан бўяш, бадиий безаш учун материаллар (мато, тери, қофоз ва бошқалар) танлаш.

Табиий материал билан ишлаш. Деворга илинадиган панно, декоратив майда пластинка, хонани безаш учун макетлар, совғалар тайёрлаш учун: бужурлар, лой, гуллар, ўтлар, шохчалар, пўстлоқлар, майда похол танлаб олишга болаларни ўргатиш. Уларни рангига, шаклига, фактурасига қараб уйғунлаштира олиш. Иш жараёнида болалар фантазиясини, тасаввурини ўстириш, табиатни муҳофаза қилиш. Нарсалар ясаш учун шохчаларни синдириласдан, дараҳтлар кесилгандан сўнг йиғишириб олиш, пўстлоқни фақат тўнкалардан ёки кесилган дараҳтлардан олиш.

Навбатчилик: Болалар навбатма-навбат тизими равшда ушбу меҳнат турида иштирок етадилар. Болаларни навбатчиликка тайинлаш вақти кун давомида амалга оширилади. Навбатчилик катта тарбиявия ахмиятга ега, яъни бола жамоа учун белгиланган вазифани бажаради. Бу еса болада жамоа олдидаги жавобгарлик ҳисини тарбиялайди. Шу билан бирга унинг меҳнати бошқаларга керак еканлигини англайди. Илк ёш ва кичик гурухларида муҳнатнинг ушбу тури бажарилмайди.

Ўрта гурухларда: Навбатчилик ўрта гурухда йил бошидан бошланиб асосан овқатланиш жараёнида ташкил етилади. Бунда хар бир столдан бир бола навбатчи етиб тайинланади. Бола ўз столдошларига хизмат кўрсатади. Тарбиячи томонидан навбатчиларнинг хатти-харакатлари назоратга олинади ва керак ҳолларда ёрдам кўрсатилади ва албатта катталарга берган ёрдами, ўз тенгдошлари учун кўрсатган хизматлари учун тарбиячи томонидан рағбатлантирилади. Ўқув йилининг иккинчи ярмидан бошлаб еса машғулотларга тайёргарлик жараёнида навбатчилик бошланади. Бунда тарбиячи томонидан 2, 3 нафар навбатчи тайёрланиб хар бир навбатчига вазифалар бўлибберилади. Яъни керакли жихозларни тарқатиш машғулотлардан сўнг йиғиб олиш шулар жумласидандир.

Катта ва мактабгатайёрлов гурухларда: ушбу ёшдаги тарбияланувчилар орасида ҳам меҳнатнинг навбатчилик тури юқорида айтилганидек тарзда амалга оширилиб борилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкини, меҳнат инсонни улуғлайди. Меҳнатнинг орқасидан инсон ҳаёти фаровон бўлади. Инсон меҳнати доим қадрланган. Шундай экан келинг фарзандларимизни мктабгача ёшдиданоқ



мөхнатга ўргатайлик ва уларни фаровон ҳаёт кечиришларига замин хозирлайлик.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури. “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури БМТнинг Болалар жамғармаси ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси техник кўмаги ёрдамида яратилди ва нашр этилди. – Т.: 2018.
 2. Хасанбоева О.У. ва бошқ. Мактабгача таълим педагогикаси. Т.:Илмзиё. 2006.
 3. Rizayeva, X. U. (2022). MAKTABGACHA TA’LIM TASHKILOTLARINING KUNDALIK TA’LIMIY FAOLIYATI DAVOMIDA MILLIY QADRIYAT TUSHUNCHALARINI BOLA ONGIGA SINGDIRILISH DARAJASI. THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY, 1(4), 129-134.
 4. Rizayeva, X. (2022). MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA MILLIY QADRIYAT TUSHUNCHALARINI SHAKLLANTIRISHDA OILA VA MAHALLANING ROLI. Science and innovation, 1(B8), 2165-2168.
 5. Musulmonova, S. T. (2023). USE OF THE METHOD OF POINT DEVELOPMENT IN TEACHING STUDENTS OF PRE-SCHOOL ҶУДАВАЛАНУЧИЛІК ОРГАНІЗАЦІЯЛАРДА МАССАРЛАМАНУ СТАДІЯСЫНда. Analysis of world scientific views International Scientific Journal, 1(4), 78-83.
 6. Musulmonova, S. T. (2022, November). BASIC PRINCIPLES OF CREATING A SUBJECT-DEVELOPING ҶУДАВЛАНУЧИЛІК ОРГАНІЗАЦІЯЛАРДА МАССАРЛАМАНУ СТАДІЯСЫНда. In INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE " THE TIME OF SCIENTIFIC PROGRESS" (Vol. 1, No. 3, pp. 140-144).
 7. To’lqinovna, M. S. (2023). MAKTABGACHA TA’LIM TASHKILOTLARDA NUTQ O’SТИRISH JARAYONIDA BOLALARNING MUSTAQIL FIKRLASHGA O’RGATISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISH. PEDAGOGS журнали, 26(1), 163-165.
 8. To’lqinovna, M. S. (2023). MAKTABGACHA TA’LIM TASHKILOTLARIDA NUTQ O’SТИRISH JARAYONIDA BOLALARNING MUSTAQIL FIKRLASHGA O’RGATISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISH. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 14(1), 177-179.
 9. To’lqinovna, M. S. (2023). MAKTABGACHA TA’LIMDA BOLALAR NUTQINI RIVOJLANTIRISH METODIK TAVSIYALAR ISHLAB CHIQISH. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 19(1), 57-60.



10. Akramova, D. (2022). ACTIVITIES OF FUTURE TEACHERS-PSYCHOLOGISTS IN THE SYSTEM OF PRESCHOOL EDUCATION. *Science and Innovation*, 1(8), 322-326.
11. Акрамова, Д. Э. (2023). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЙ РАЗВИТИЯ МЕХАНИЗМОВ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ И ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ГИБКОСТИ У СТУДЕНТОВ КАК ПРОБЛЕМА СОВРЕМЕННОСТИ. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 13(8), 19-23.
12. Akramova, D. E., & qizi Azimova, X. D. (2023, January). MAKTABGACHA TA'LIM YO 'NALISHI TALABALARIDA IJODIY TAFAKKURNI RIVOJLANTIRISH METODIKASI. In *INTERNATIONAL CONFERENCES* (Vol. 1, No. 2, pp. 382-385).
13. Akramova, D. E., & qizi Suvonqulova, M. D. (2023, January). RIVOJLANTIRUVCHI MARKAZLARDA BOLALARNI MAKTABGA TAYYORLASH VA MILLIY QADRIYATLAR NAMUNALARIDAN FOYDALANISHNING AFZALLIGI. In *INTERNATIONAL CONFERENCES* (Vol. 1, No. 2, pp. 393-396).
14. Akramova, D. E., & qizi Ne'matova, S. S. (2023, January). BO 'LAJAK PEDAGOGLARNING KASBIY SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHDAGI OMILLAR. In *INTERNATIONAL CONFERENCES* (Vol. 1, No. 2, pp. 390-392).
15. Akramova, D. E., & qizi Axmedova, N. B. (2023, January). MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTI RAHBARINING BOSHQARUV MADANIYATINI SHAKLLANTIRISH PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA. In *INTERNATIONAL CONFERENCES* (Vol. 1, No. 2, pp. 386-389).